

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСИДА НЕМИС БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ФАНТАСТИКА ЖАНРИНИ ЎРГАНИШ

Зухро Раимхўжа қизи Абдуманнофбоева

Чирчиқ давлат педагогика институти, Мактабгача таълим факультети,
4-курс талабаси

Немис адабиётида фантастика жанри ҳақида сўз кетганда, биринчи навбатда Э.Т.А.Хоффман номи тилга олинади. Илк бор айнан унинг ижодида (Nussknacker und Mausekönig, 1816) фантастик жанрга хос хусусиятларни кўриш мумкин. Замонавий немис фантастика дабиётининг йирик намоёндаларидан бири Вольфганг Хольбайн ҳисобланади. Унга ҳаттоки, “Немис Стивен Кинги”, - дея таъриф берилади. У 200дан ортиқ асарлар муаллифи бўлиб, асарлари 35 миллиондан ортиқ нусхада нашр қилинган. Мақола мавзу атрофлича муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: мактабгача таълим, немис тили, немис адабиёти, фантастика, жанр.

КИРИШ

Унинг халқаро миқёсда эътироф этилган илк асари “Афсонавий ой” (Märchenmond) 1982 йилда чоп қилинган. Кейинчалик Хольбайннинг “Аждаҳолар водийси”, “Наутилус операцияси”, “Тамплиерлар қони” каби фантастик саргузашт асарлари ҳам китобхонлар эътиборини қозонди. Илмий-фантастика жанрда Андреас Эшбах самарали ижодкор сифатида ном қозонди. Ёзувчининг “Кельвиннинг юлдузи”, “Триллион Евро”, “Марс лойиҳаси” асарлари китобхонлар томонидан севиб мутолаа қилинади. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ёзувчи Михаэл Энде ўз асарлари билан фантастика жанрида янги саҳифани бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди. 1979 йилда унинг “Die unendliche Geschichte” номли асари китобхонлар эътиборини қозониб, энг яхши фантастик асарлар қаторидан жой олди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Бутун дунёда бўлгани каби замонавий немис болалар ва ўсмирлар адабиётида ҳам фантастик саргузашт асарлар сўнгги ўн йилликларда китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан ўқиладиганлиги кузатилаёпти. Михаэл Энденинг юқорида



номи тилга олинган “Сўнгсиз ҳикоя”, Отфрид Пройслернинг “Кичик жодугар”, Жеймс Крюснинг “Тим Талер ва сотилган кулгу” асарлари ушбу жанрнинг энг сара асарлари саналади. Нафақат болалар ва ўсмирлар, балки катта ёшдаги китобхонлар учун ҳам фантастик асарлар яратилаётганлиги ва улар асосида суратга олинаётган кинофильмлар ушбу жанр янада оммалашганлиги ҳақидаги фикримизнинг яққол исботидир. Шу ўринда инглиз адабаси Жоан Роулингнинг Гарри Поттернинг саргузаштлари тўғрисидаги кўп қисмли асари асосида ишланган фильмни ёдга олишимизнинг ўзи кифоя. Немис адабиётида эса Корнелиа Функе (Cornelia Funke) ушбу жанрда ижод қилаётган энг таниқли ижодкордир. Унга “Тайм” журнали (2005 йил) “Дунёнинг энг эътиборли немис аёли”, - дея баҳо бериб, ижодининг сермахсул эканлигини тан олган эди. Аслида ҳам шундай, унинг китоблари дунёнинг ўттиздан ортиқ тилларига таржима қилинган бўлиб, умумий тиражи ўн миллион нусхадан ортиқ.

Корнелиа Функе ўз ижодини кичик ёшдаги болалар учун фантастик ҳикоялар ёзишдан бошлаган. Унинг “Малика Изабелла” (Prinzessin Isabella), “Ёввойи товуқлар” (Die wilden Hühner) туркум асарлари, айниқса ёш қизалоқларнинг севимли китоблари ҳисобланади. Ёзувчининг “Drachenreiter” (1997), “Herr der Diebe” (2000), “Tintenherz-Trilogie” (2003-2007) асарлари халқаро миқёсда шухрат қозонди. “Herr der Diebe” асари 2002 йилда инглиз тилига таржима қилинганидан сўнг, кўп ўтмай ушбу асар Америкада бестселлер асарлар рўйхатидан жой олди. Корнелиа Функенинг энг кўп эътироф этилган асари, шубҳасиз “Tintenherz-Trilogie” (“Сиёҳ юрак” трилогияси) дир. Трилогиянинг биринчи китоби “Tintenherz” (“Сиёҳ юрак”) дея номланади. Асар 2003 йилнинг ўзидаёқ Германия, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралияда нашр қилиниб, китобхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Шу асари туфайли Корнелиа Функени “Немис Жоан Роулинги” (“Deutsche Joanne Rowling”), Михаэл Энде каби фантастик асарлар устаси, дея эътироф этишди. Трилогиянинг иккинчи китоби “Tintenblut” (“Сиёҳ қони”) 2005 йилда, учинчи китоб “Tintentod” (“Сиёҳнинг ўлими”) 2007 йилда китобхонлар эътиборига ҳавола этилди. 2007 йилда “Spiegel” журнали сўровномасига кўра ушбу асар бестселларлар рўйхатининг биринчи поғонасидан ўрин эгаллади. Корнелиа Функенинг “Herr der Diebe” (“Ўғрилар ҳукмдори”) асари асосида 2006 йилда, “Tintenherz” (“Сиёҳ юрак”) асари асосида эса 2008 йилда фильм суратга олинган. 2010 йилда адабанинг “Reckless” номли асари нашр этилди.

Энди эса “Tintenherz-Trilogie” сининг биринчи китоби “Сиёҳ юрак” да қўлланилган метафора, идиома ва перифразаларнинг айримлари ҳақида фикр юритамиз. Ушбу китоб Мегги исмли 12 ёшли қиз ва унинг отаси Мо (Mortimer) ҳақида. Меггининг отаси китобларни таъмирловчи уста, у асарларни овоз чиқариб ўқиш асносида қаҳрамонларни жонлантиришдек ғаройиб қобилиятга эга. Мегги китоб ўқишни жуда яхши кўради. Оддий кунларнинг бирида тун ярмида Монинг олдида сирли бир киши ташриф буюради-ю, шундан сўнг Меггининг ҳаётида сир-саноатга тўла саргузаштлар бошланади. Асарнинг бош ғояси дўстлик ва инсонлар ўртасидаги муносабатни улуғлашдир. Асарнинг ўзига хос хусусиятлардан бири ҳар бир боб бошланишида жаҳон классик болалар ва ўсмирлар адабиёти намоёндалари-нинг асарларидан цитаталар келтирилишидир. Масалан, Жэмс Барри (“Петер Пан”), Чарльз Диккенс (“Оливер Твист”), Михаэл Энде (“Сўнгсиз ҳикоя”), Ж.Р.Р.Толкиен (“Узуклар ҳукмдори”) асарларидан цитаталар келтириладики, улар боб моҳиятини ёритишга хизмат қилган. Шунингдек, “Минг бир кеча” шарқ эртақларидан ҳам цитаталар келтирилганлигини кузатамиз.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Асар қаҳрамонларини тасвирлаш учун турли тил воситаларидан ўринли фойдаланилган. Образлар ва ҳодисалар гул, ранг, ҳайвонлар ва уларга хос хусусиятлар билан қиёсланади. “Сиёҳ юрак”нинг 10-бетида шундай қиёслашни учратамиз: “Der Dunkelheit war blass vom Regen und **der Fremde** war kaum mehr **als Schatten**”. Бу гапда нотаниш кимсанинг қарийб кўз илғамас эканлиги “соя” сўзи орқали ифодаланган. Ёки рангни тасвирлашга нисбатан қўлланилган шундай иборани ўқишимиз мумкин: “Sein Haar war dunkel wie Maulwurfsfell” (“Tintenherz”, 18-бет) – “Унинг сочи крот мўйнасидек қорамтир эди”. Крот, яъни ер остида яшайдиган сут эмизувчи ҳайвоннинг мўйнаси қора эканлигига эътибор қаратилиб, соч рангининг айнан унинг мўйнасидек қорамтирлиги тасвирланади. Асар қаҳрамонларидан бирининг тили жуда ўткир эканлиги эса “худди қоғоз кесадиған пичоқдек ўткир” (“Eine Zunge so scharf wie ein Papiermesser”) тарзида ифодаланади.

“Tintenherz” асарида қўлланилган идиомалар китобхоннинг қаҳрамон руҳий ҳолатини яхшироқ ҳис этишига ёрдам беради. Китобнинг 86-бетида “Meggies Stimme erstickte fast an ihrer hilflosen Wut” – деган таъриф берилдики, бу ўринда Меггининг овози оҳангидаги ёрдамга муҳтожлик ва иккиланишни ўқувчи яққол ҳис эта

олади. Корнелиа Функе мазкур асаида китоб таъмирловчи уста, яъни Мортимер Фольхарт (Mortimer Folchart) ни “китоб шифокори” деб атаиди. Асарда “Mo hatte ihr verboten, nachts Kerzen anzuzünden. Er mochte kein Feuer. **“Feuer frisst Bücher”** (“Tintenherz”, 10-бет) ифодасини учратамиз. Бу ерда “олов китобларни ейди” гапи, “олов китоблар-ни ёндиради” маъносида қўлланилган. Идиомаларнинг ўрнида қўлланилган-лиги асар қийматини оширишга ҳисса қўшганлиги тайин. Хусусан, 95-бетда “Du und Capricorn, ihr steckt unter einer Decke!” – вербал иборасига дуч келинадик, бу ибора икки кишининг хуфиёна тил бириктираётганлигини ифодалаб келган. Ёки “Meggie bemerkte, dass Staubfinger **eine Antwort auf der Zunge lag**, aber er **schluckte sie hinunter**” (“Tintenherz”, 119-бет) идиомаси қўлланилганлигини, ушбу идиома кишининг ниманидар айтмоқчи эканлигини, лекинэнг сўнгги дақиқада бундан ўзини тийганлигини билдиради.

Корнелиа Функе “Сиёҳ юрак” асаида истехзо ва киноялардан ҳам ўз ўрнида фойдаланганлигини эътироф этиш керак. Асарнинг бош салбий қаҳрамони Каприкорн томонидан айтилган: “Ah, unsere Gäste sind auch schon da”, sagte Capricorn, als er vor ihnen stehen blieb. Gut geschlafen, Zaubertzunge?” (“Tintenherz”, 177-бет) ушбу гапда Монинг сеҳрли тилига ишора қилинса-да, Каприкорн уни истехзо тариқасида тилга олади. Шунингдек, асарда перифразалар ҳам қўлланилганки, улар ўқувчи томонидан воқеалар жараёнини худди кўз ўнгида содир бўлаётганидек кузатилиши ва идрок қилинишига имконият яратади. Хусусан, ёзувчи асарнинг салбий қаҳрамони Каприкорннинг қишлоғига “Die Höhle des Löwen” – “Шер уяси”, деб таъриф беради. Шу таърифнинг ўзиёқ қишлоқда қандай инсонлар яшашидан далолат беради. Корнелиа Функе асар сюжетини тасвирлашда халқ мақолларидан ҳам кенг фойдаланган. Асарнинг 84-бетида араб халқ мақоли “Tausende Feinde ausserhalb des Hauses sind besser als einer drinnen” яъни, ичкарида битта душман бўлгандан кўра, ташқарида минглаб душманлар бўлгани яхши, каби мақоллар ишлатилиши асар мазмунини янада бойитишга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Қиёслаш учун қўлланилган сўзлар бола онгида осон ўрнашиб қолишига ва аниқ тасаввур беришига алоҳида эътибор қаратилган. “Сиёҳ юрак”нинг 35-бетида “Sie kleiden sich gern schwarz wie die Saatkrähen”-яъни “У худди гўнқарғадек қоп-қора кийинишни яхши кўради” деган гап қўлланилган бўлиб, бу гапни ўқиган боланинг кўз

олдида, албатта кўйлакнинг ранги қандай эканлиги ёрқин намоён бўлади. Асарда қўлланилган турли метафора, фразеологизм, идиома ва перифразалар китобхоннинг воқеалар тафсилотига бўлган қизиқишини оширади. Бундай тил воситалари эса ўқувчининг ҳис-ҳаяжон ва фантазиясига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

REFERENCES

1. C. Gansel: Moderne Kinder- und Jugendliteratur, Cornelsen Verlag, 1999
2. Wild, Reiner (Hrsg.): Geschichte der deutschen Kinder- und Jugendliteratur. 2. Aufl., Weimar 2002.
3. Funke Cornelia: Tintenherz, Cecilie Dressler Verlag, Hamburg, 2003.

